



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ХАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ

**ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР
КАФЕДРАСИ**

**ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА
МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ДУНЁ ТАЛҚИНИДА**
халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами
2021 йил 12 феврал

II-ҚИСМ

**ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА
МУХАММАДА БАБУРА В МИРОВОЙ
ИНТЕРПРЕТАЦИИ**
сборник международной научно-практической
конференции
12 февраля 2021 года

ЧАСТЬ II

**STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN
MUHAMMAD BABUR IN THE WORLD
INTERPRETATION**
book of international scientific-practical conference
February 12, 2021

PART II

Тошкент – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ

ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ



ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ
ДУНЁ ТАЛҚИНИДА**

**халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами
2021 йил 12 феврал**

II-ҚИСМ

**ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА В
МИРОВОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ**

**сборник международной научно-практической конференции
12 февраля 2021 года**

ЧАСТЬ II

**STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR IN
THE WORLD INTERPRETATION**

**book of international scientific-practical conference
February 12, 2021**

PART II

Тошкент – 2021

Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида //
Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Т.: Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021 – 446 б

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган (2021 йил _____ - сонли баённома).

Масъул

муҳаррир:

Таҳрир хайъати:

Р.А.Сайфулов – Миллий гвардия Марказий девони
режалаштириш, мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик бўлими
бошлиги, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),

Ғ.Р.Мирзаев - Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С.Расулова– Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
доценти, тарих фанлари номзоди, доцент

Х.Д.Хакназаров – Миллий гвардия Ҳарбий-техник
институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Й.А.Худойкулов – Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Ҳарбий-техник институти доценти, фалсафа фанлари
номзоди, доцент

А.У.Ҳайдаров – Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
катта ўқитувчиси

А.А.Сатторов - Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
ўқитувчиси

Такризчилар:

А.Мадраимов – Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим
бошлиги, тарих фанлари доктори.

С.Б.Тилабоев – Низомий номидаги ТДПУ «Тарих ва уни
ўқитиш методикаси» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди.

Мазкур тўпламга Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳоратини
ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб этиш, илмий ва маънавий мероси, хусусан, “Бобурнома” ва
бошқа асарларининг дунё миқёсида ўрганилиши, бобуршуносик йўналишидаги тадқиқотлар,
таржимашунослик, Бобур меросинининг ХХІ аср фани ва маданиятига қўшаётган ҳиссасига
бағишланган мақолалар киритилган. Мақолалардаги маълумотлар асосли эканлигига
муаллифлар жавобгардирлар.

© Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021.

тегишини ўйлашимиз, энг муҳими мутолаадан кейин биз Бобур сингари ўзимиздаги қайси иллатдан мардларча халос бўлишга интилишимизни назарда тутишимиз керак. Бобур фармонда «тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қокдик» демокда. Демак, инсон ўзида мавжуд ножўя ҳаракатлардан, жумладан майпарастликдан ҳам хавас билан, мавсумий тарзда халос бўла олмади, унга барҳам бериш учун жид-дийлик, ирода талаб этилади. Кейин, Бобур майни тарк этишни унга қарши уруш очганлиги билан изохламоқда. Бу ҳам инсон табиатидаги ҳар қандай нопок ҳаракатни, ўзининг иззат нафсини синдириб, муттасил кураш ва қатъийлик билан амалга ошириш лозимлигини таъкидламоқда. Шубҳасиз, Бобурнинг бу ўғити бугунги ёшларимизни гиёҳвандлик, ароқ-хўрлик, диний экстримизм, ақидапарастлик кўчаларидан йиғиштириб олишга, мустақилликни неъмат билиб, уни мустаҳкамлаш сари асрлар оша бизга битилган бир чақирик, сирли мактубдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Заҳириддин Бобурнинг бу икки фармони бизнинг давримизда ҳам қимматини йўқотган эмас. Бу фармонларга 500 йилдан ортиқ вақт ўтди. Пекин бугун ҳам дунё халқлари меҳр, шафқат ва саховатга муҳтожлиги, солиқлар адолатли бўлиши лозимлиги, жамиятни ичкиликка муккасидан кетган кишилардан асраш, уларни инсофга чақириш давом этаётган экан, Бобурнинг «икки азимуш-шаън» фармони шу иллатлар-дан халос этиш учун хизмат қилаверади.⁵⁰

Буюк шоҳ Бобур Ҳиндистонда темурийларга хос улуг бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди: мухташам қасрлар тиклаш, ариқ-каналлар қазилар, бог-роғлар бунёд этиш, адабиёт, илмфан ривожига ҳомийлик қилиш, элни адолат билан бошқариш сингари фазилатлар кейинчалик Ҳиндистоннинг буюк фарзандлари томонидан чинакам ижобий баҳоланди. Ҳиндистоннинг буюк донишманд фарзанди, давлат арбоби Жаҳоҳир-лаъл Нехру ўзининг «Ҳиндистоннинг очилиши ва —Жаҳоҳон тарихига бир назар» асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида самимиятга тўлиқ ушбу фикрларни изҳор этган:

«Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган. »

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етук инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва, айниқса, адабиётни севарди".

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВАТАНПАРВАР САРКАРДА

Холиқов И.Р.

Бухоро давлат университети ҳарбий таълим факультети ўқитувчиси

Шоҳ ва буюк саркарда, динига, миллатига содиқ фарзанд ҳамда нозик қалб эгаси шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзонинг серқирра ижоди, уни буюкликка етаклаган ҳарб юришлари, ханузгача тарихчи олимлар, шоирлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Бобур мирзо ҳаётини ўрганар эканмиз, газал мулкининг султони мир Алишер Навоийдан кейин унинг ижодини давом эттирган маҳоратли шоир ва ёзувчи бўлсада, рубоийнависликда Навоий билан тенг беллаша оладиган шахс кўз ўнгимизда намоён бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг ҳарбий юришлари билан ҳозирги кунга қадар барча авлодлар учун ўрнак бўладиган шахс сифатида эътироф этилади.

⁵⁰ Ҳасан Қудратуллаев Бобур давлатчилигини беаган фармонлар//e-tarix.uz.

Бобур умрининг охирига қадар ватан туйғуси ва согинчи билан яшаган ватандошимиз сифатида тилларда дoston бўлади. Бобур лирикасида ватан мавзуси алоҳида ўрин тутати. Унинг ҳар бир мисрасида ватан согинчи, ватанга бўлган муҳаббат яққол намоён бўлади. Жумладан:

Кўпдан бериким ёру диёрим йўқдир,
Бир лаҳза-у бир нафас қарорим йўқдир,
Келдим бул сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқдур.

Ушбу мисралардан кўринадики, Бобурнинг қалбида ватан ва яқинлар согинчи, қанчалик тугён сифатида жўш уриб туради. Аммо, Бобурнинг саркардалиқ маҳоратида ҳам она юртга бўлган муҳаббат, миллати ва динидан қатий назар оддий халқнинг ҳаётига шох, саркарда сифатидаги масъулиятини кўришимиз мумкин. Бу борада гапирганимизда, унинг мардлиги, жасорати Темурийзодаларга хос эканлигини яққолроқ ҳис этамиз.

Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт низолат мураккаблашган, феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқироzi давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги қайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан согинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толеъ йўқки жонимга балoлиг бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қоролиг бўлди.

Бобурнинг бутун ҳаёт фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, саркарданинг доимий равишда юртини қўмсаши, Ватанига бўлган муҳаббати ижодида акс этиб келиши яққол намоён бўлиб туришига гувоҳ бўламиз.

Бобурнинг жанглардаги маҳорати гарбу шарқда ҳанузга қадар ўрганилиб, баҳсу – мунозараларга сабаб бўлиб келади. Айниқса Иброҳим Лўдининг юз мингга яқин аскар ва ярим минг ҳарбий филлари билан Панипат шаҳри яқинидаги жангда қилган галабаси Бобурнинг нақадар буюқ саркарда эканлигини яна бир қарра намоён этади. Бор-йўғи ўн икки мингга яқин қўшиннинг бундай галабага эришиши жуда мушкул эди. Бобур ютуқларида саркардалиқ тажрибасини етакчи ўринда кўрсатиш мумкин. У ҳарбий санъат сирларини нафакат дўстларидан, балки душманларидан ҳам ўрганган эди. Иброҳим Лўди билан жангида энг катта ютуқларидан бўлган ўқ отар тўпларни Шох Исмоилдан ўрганган бўлса, тўлғама ишлатишни ашаддий ёвлари Шайбонийхон ва Убайдуллахон тажрибасидан ўзлаштирган. Ҳар бир саркардада бўлгани каби, Бобурда ҳам жангларда бир қанча маглубиятлар бўлган эди. Бироқ, Бобур ҳар бир маглубиятида йўлга қўйган хато ва камчиликларини кейинги жангларда ўз фойдаси учун ишлата олган. Жумладан, Лўди билан жанг қилиш учун бешта дарё юйиб турадиган Панжоб шаҳридан ўтиб борар экан, қўшинини бегона ўлканинг ботқоқликлари-ю касалликларидан беъзиён олиб ўтади. Шу ўринда Панипат шаҳри яқинидаги қурашда, Бобур мирзонинг жанг учун тўхтаган майдони ҳам қучли режа асосида танланган эди. Уч томони ҳам беркитилган кенглик, яъни орқа томонида ботқоқликлар ва қангалзорлардан катта қўшиннинг ўта олмаслиги аниқ бўлса, ўнг томонида

Жамна дарёси, чапда эса Панипат шахрининг зич жойлашган аҳолиси уни ёвдан ҳимоя қилар эди. Бундан кўриниб турибдики, Лўдини фақат тўғридан кутиш мумкин. Лекин, салкам ўн баробар катта куч билан келаётган қўшинга ўқотар аравалар ва пистирмалар билан туриб бериш жуда қийин эди. Бобурнинг турли жойлардан келган кўп миллатли аскарлари ҳам унинг ҳарбий тажрибасига ишонишган, акс ҳолда муқаррар ўлим билан юзлашмаган бўлар эди. Бобурнинг ушбу сифати, саркарданинг қўшинини қанчалик ишонтириш қобилиятига эга эканлигини кўрсата олади. Бобур жанг олдида аскарларини машқ қилдираётган саркардаларга: “Машқ пайтида навкарларни аяманг, ҳозир уларни аясангиз, жангда маглуб бўлиб ўлиб кетур”, дея кучли машқ қилдиришга ундар эди. Саркарданинг аскарлар жанговар тайёргарлигига бундай қарашлари, замонавий армияларда ҳам кенг қўлланилиб келинадиган тажриба эканлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан: “Ўқув – жанговар фаолият қанчалик қийин кечса, жангда аскар шунчалик енгиллик билан ҳаракат қилади” деган пурмаъно ибора кенг қўлланилади.

Бобур, барча бўлажак жангларда ишончли одамлари билан жангга кирар эди, жангга кирган барча одамларига ишонар эди. Бу қонидани саркарда бутун ҳарбий фаолиятида дастуриламал сифатида қўллаб келган. Саркарданинг барча жангларида малакали лашкарбошилари ва ўғли Хумоюн елкадош бўлишган. Бу унинг галабалари асоси эди. Ҳиндистон шоҳи Лўди билан бўлган жангда ҳам Хумоюнга қўшиннинг ўнг томонини ишониб топширган, унга Хўжа Калонбек, Ҳиндубек сингари маҳоратли саркардалар ҳамроҳ бўлган. Бобур Лўдининг кўп сонли қўшинига уч томондан ҳамла қилиб, очиқ марказдан эса етти юзта ўқ отар қурилмалар билан ҳужум қилган эди. Тўпларнинг ваҳимали овозидан, ҳамда оловли аравалардан чўчиган жанговор филлар эса, сафни бузиб ҳар тарафга қочади. Улар орасида Иброҳим Лўдининг оқ фили ҳам бўлиб, у жанг майдонида ҳалок бўлади. Ушбу ходиса, ганим барча қўшинларини саросимага солишга олиб келди. Бобур қанчалик юксак галабага эришган бўлишига қарамасдан, илгари замонларда учраган саркардалардан фаркли ўлароқ, маҳаллий аҳолини аскарлари томонидан талон – тарож қилишга, уларнинг анъана ва урф-одатларини оёқ ости қилишга йўл қўймайди. Бу ҳаракатлари билан Бобур, ўзининг нақадар олийжаноб шахс эканлигини намён қилади. Ҳатто, Лўдийнинг онаси малика Байдага ҳам шавкат қилди. Ваҳоланки, у Бобурнинг ўлимига сабабчи бўлади. Шу тариқа Бобур мирзо Ҳиндистон заминида бобурийлар сулоласига асос солган буюк саркарда сифатида нафақат юртимизда, балки гарбу шарқда, ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида ҳам тан олиб келинади. Бу иссиқ ўлкада яшар экан, қурилиш, маданий ва маърифий соҳага катта эътибор қаратади. Мамалакатдаги баъзи инсон ҳуқуқларига зид бўлган, эри ҳалок бўлса, хотини ҳам тирикчилигича алангада куйдириш сингари одатларга чек қўяди.

Қисқа бир вақт ичида, Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш бог-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боглар, кутубхоналар, қарвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илгор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавоҳарлал Неру шундай ёзган эди: “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди,

маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди”. Бундан ташқари “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида Жавоҳарлаъл Неру Бобур ҳақида ушбу сўзларни эътироф этган: “Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди”.

“Бобурийлар сулоласи” Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилишди. Ватандошимиз ва унинг авлодлари томонидан ўзга юртларда амалга оширган эзгу ишлари, қолдирган маданий меърослари, жаҳон цивилизациясида алоҳида ўринга эга. Асрлар оша, Бобурийлар томонидан Ҳиндистон ўлкасида барпо этилган бинолар барча миллат эгаларини лол қолдириши бунинг яққол натижаси сифатида қаралади. Бобурийларнинг Ҳиндистондаги амалий ишлари, инсонпарварлик, ватанпарварлик, диний бағрикенглик каби сифатлари ўзбек миллатининг бошқа миллатдан ажралиб турувчи хислатлари эканлигини ўзга юртларда намоён этиб келмоқда. Асрлар ўтади, бироқ ўзбекнинг буюк сиймоси, жаҳон тарихи зарварақаларида олтин битиклар билан битилган ҳолида мангу ўчмас из қолдирган шахс сифатида қайта ва қайта ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жавоҳарлаъл Неру - Ҳиндистоннинг кашф этилиши китоби.
2. Ёқубов Х., Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Тошкент, 1949. Ҳасанов С., Бобурнинг Аруз рисоласи, Тошкент, 1981.
3. Ҳасанхожа Нисорий, Музаққири аҳбоб, Тошкент, 1993.
4. Нуритдинов М., Бобурийлар сулоласи, Тошкент, 1994.
5. Азимжонов С., Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мақолалар тўплами, Тошкент, 1995.
6. Файзиев Т., Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари, Тошкент, 1996.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING HARBIY YURISHLARI

Jumayeva L.I.

Buxoro viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti o'qituvchisi

Movarounnahr 15-asr oxirida o'zaro nizolashayotgan temuriy shahzodalar yoki mulkdor zodagonlar boshchilik qilib turgan, deyarli mustaqil bo'lib olgan ko'pdan ko'p viloyatlarga parchalanib ketgan edi. Movarounnahr taxti uchun kurash avjga chiqqan, turli siyosiy fitnalar uyushtirilmoqda edi. Buning ustiga Umarshayx Mirzoga tobe bir necha bek va hokimlar yosh hukmdorga (Boburga) bo'ysunishdan bosh tortadilar. Ularning ayrimlari Boburning ukalarini yoqlasa, ba'zilar mustaqillik da'vosini qiladi, yana boshqa birlari Boburga raqib, boshqalari amaki, tog'alariga qo'shilib, uni jismonan yo'qotish payiga tushadi [2, 4]. O'z amakisi va tog'asi bo'lmish Sulton Ahmad Mirzo bilan Sulton Mahmudxon xurujlarini daf qilgan Bobur hukmronligining dastlabki 2-3-yilida mavqeini mustahkamlash, bek va amaldorlar bilan o'zaro munosabatni yaxshilash, qo'shinni tartibga keltirish, davlat ishlarida intizom o'rnatish kabi muhim chora-tadbirlarni amalga oshiradi. Boburning dastlabki siyosiy maqsadi Amir Temur davlatining poytaxti, strategik va geografik jihatdan muhim bo'lgan Samarqandni egallash va Movarounnahrda markazlashgan kuchli davlatni saqlash, mustahkamlash hamda Amir Temur saltanatini qayta tiklashdan iborat edi.

Bu paytda, qisqa muddat ichida Samarqand taxtiga uchinchi hukmdor kelgan edi. Sulton Ahmad Mirzo vafoti (1494-yil iyul) dan keyin taxtga o'tirgan Sulton Mahmud Mirzo Samarqandda

Бобур оиласида фарзанд тарбияси	242
Xaitov B.T.	
Bobur siy mosiga nazar	246
Холиков Н.	
Бухоро хонлигининг Бобурийлар давлати билан дипломатик алоқалари	248
Ҳайдаров А.	
Бобурийлар давлатининг ташкил топиш жараёни	252
Шайосупова Л.Р., Айтбоев С.С.	
Утонченность натуры Захириддина Мухаммада Бабура, как правителя, полководца и поэта	254
Эгамова М.А.	
Захириддин Мухаммад Бобурнинг давлатида солиқ сиёсати	257
Эргашева Г.М.	
Бобур Мирзо асарларида Ватан мадҳи	259
Эргашева М.С.	
Ўзбек халқининг ҳинд тахтидаги жавоҳири	262

VI-ШҶҒБА. БОБУРНИНГ ЖАҲОН ЖАНГ САНЪАТИ ТАРИХИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Низомиддинов Н.Г.	
Бобурнинг жанг санъати тарихига қўшган ҳиссаси Бобурнинг «Ҳинд юриши» ҳақида	267
Тураева С.Р.	
Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳарбий иш тарихидан	275
Rashidov R.R., Fayzullayeva V.J.	
Zahiriddin Muhammad Boburning Gagradaagi zafarli yurishlari	281
Мирабдуллаева Ш.А.	
Захириддин Мухаммад Бобурнинг қўшинни бошқаришдаги етакчилик сифатлари	284
Ahmadov A.A., Elova D.D.	
Zahiriddin Muhammad Boburning Afg'onistondagi bog'lari va qo'shinidagi yangi texnika xususida	286
Sattorov A.A., Sattorova X.N.	
Boburning harbiy san'at rivojida tutgan o'rni	288
Насиров К.Ж.	
Нравственные взгляды правителя и мыслителя Захириддина Мухаммада Бабура	291
Джумашев А.Н., Акромов З.А.	
Военное искусство Захириддина Мухаммада Бабура	293
Абиджанова М.А.	
Бобурнинг ҳарбий фаолиятида жанговар ўртоқлик масаласига функционал ёндашув	295
Мамажонов А., Тургунов А.	
Военные реформы и вооружение в период правления Бабура	299
Alimardonov Z.Sh., Isakov S.X.	
Zahiriddin Muhammad Boburning artilleriya qurol-aslahalari rivojlanishiga qo'shgan hissasi	301
Ҳайдаров К.А.	
Бобурийлар сулоласининг ҳарбий юришларидаги психологик тамойиллар	304
Мустафоев Ғ.	
Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳарбий хизматчиларга шахсий муносабати	307
Алижонов А.Т.	
Захириддин Мухаммад Бобур ижодининг ички ишлар ходимларини тарбиялашдаги ўрни	310
Холиков И.Р.	
Захириддин Мухаммад Бобур ватанпарвар саркарда	313
Jumayeva L.I.	
Zahiriddin Muhammad Boburning harbiy yurishlari	316
Насиридинов З.А., Ғиёсов Б.Х.	
Захириддин Мухаммад Бобурнинг фавқуллодда вазиятлардаги ҳарбий-сиёсий ютуқлари	318
Rahimov. I. A.	
Buyuk sarkarda- Zahiriddin Muhammad Bobur	320
Шоҳакимов А.Р.	
Бобурийлар давлатининг қўшини ёхуд ҳарбий маъмурияти	323
Розимова Ё.	
Захириддин Мухаммад Бобур маҳоратли ҳарбий саркарда	326
Ҳайдаров А.У., Раимбоев Д.Х.	
Бобурнинг ҳарбий юришларидаги разведка маҳорати	331
Курганов А.М.	
“Бобурнома”да қўлланилган ҳарбий терминларнинг лингвомаданий хусусиятлари	333
Tursunboyev A.A.	
Zahiriddin Muhammad Boburning sarkardalik mahorati va jangovar taktikasi	335